

МИЛЛАТГА НАЖОТ ЙЎЛИНИ КЎРСАТГАН ЖАДИД (АБДУРАУФ ФИТРАТ МИСОЛИДА)

Аҳмадова Зебинисо Шавкатовна

“Миллий тикланиш” демократик партияси Бухоро вилояти кенгаши бош мутахассиси, Бухоро давлат университети мустақил изланувчиси, телефон: (+998905122324)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7479018>

Аннотация: Ушбу мақолада Бухоро жамиятидаги иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш шунингдек мактаблардаги таълим жараёни, замонга мос мактаблар қуриш ва болаларни янги усулда ўқитиш кераклигини ҳамда тараққийпарвар жадидлар томонидан “Мактаб, мадраса бўлмаса эди, илм ва маърифат бўлмас эди” деган фикрлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Абдурауф Фитрат, миллат, матбуот, тараққийпарвар, Қуръони карим, Ҳадиси шариф, таълим, “Торикистон”, “Падаркуш”, кутубхона, Маҳмудхўжа Беҳбудий, “усули таҳажжий”, “усули маддия”, драма, цивилизация, жуғрофия

Абдурауф Фитрат халқни маърифатли, илмли қилишнинг навбатдаги йўналишини кенг ислоҳ қилиш мақсадида Қозон ва Самарқанддан келган татарлар иштирокида ўзбек ва тожик ҳаваскорлари иштирокида театр ишларини ташкил қилиб ижрочи ҳамда ташкилотчи сифатида фаолиятини татар, озарбайжон ва турк драмаларини саҳналаштиришдан бошлаган. Жамоага татар зиёлиси Ҳусайн Нажиб¹ бошчилик қилган. У “Падаркуш” асарини саҳналаштиришга ижозат сўраб Маҳмудхўжа Беҳбудийга мурожаат қилиб, томошадан тушадиган фойдани ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларга тарқатилиши ҳақида маълумот берганида, ўзбек оидини унга бажонидил рози бўлган. 1914 йил 5 март куни Бухоронинг “Торикистон” биносида “Падаркуш” драмаси намоиш этилган².

1917 йил 19 майда Бухорода татар ва Кавказ ҳаваскор ижрочилари томонидан маданий кеча уюштирилиб, унда “Адашув” комедияси ва Шокир Анбулатнинг³ “Чингизхон қабрида” уч пардали тарихий драмаси қўйилган. Татар миллий қўшиқлари куйланиб, Кавказ рақслари намоиш этилган. Кечада “Туркистонни бошқариш муваққат кўмитаси”

¹ Ҳусайн Нажиб — татар зиёлиси; Самарқанд ва Бухорода театр гуруҳлари ташкил қилган, ўзбек, озар, турк ва татар драматурглари томонидан яратилган кўплаб саҳна асарларини саҳналаштирган.

² Ш. Ризаев. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари. Филология фанлари номзоди диссертацияси. Тошкент. 1995. 102 – 103-бетлар.

³ Шокир Анбулат — татар драматурги; кўплаб тарихий пьесалар муаллифи.

аъзоларидан Садри Мақсудий⁴ ҳам қатнашган ва томоша якунида сўзга чиқиб, ўзбек, татар ва озарбайжон халқларини бирлик ҳамда иттифоққа даъват этган⁵.

Бухоро жаидчилигининг маърифатпарварлик босқичи мактаблар ташкил қилиш, кутубхоналар сонини кўпайтириш, матбуотга асос солиш, театр ишларини ташкил қилишдан иборат эди. Улар тинимсиз ҳаракатлар билан барча йўналишларда ўз мақсадларига эришдилар. Бухоро шаҳри ва бекликларда жаид мактаблари очдилар. Мактабларда дунёвий фанларни ўқитишни йўлга қўйдилар. Бухоро амирлигида илк бор матбуотга асос солдилар. “Бухоройи шариф” ва “Турон” газеталарида халқни фаравонлик, миллат ва Ватан тараққиётига даъват этдилар. Театр ишини ташкил қилиб, жамиятнинг оғриқли нуқталарини фош қилдилар.

“Турон” газетасининг шу сонида Ғиёсиддиннинг “15 август”⁶ ва “Талх бир ҳақиқат” номли мақолалари чоп этилган бўлиб, уларда ҳам жаид мактабларини ташкил этиш масаласи етакчилик қилади. “15 август” сарлавҳали мақоласида “Кўнглида зарра қадар Ватан ҳисси бўлган одам Бухоронинг бугунги ғафлат, жаҳолат уйқусини кўриб, гирён бўладир. Юз мингларча нуфузи бўлган, эскидан бери анъанаи илмия бўлган бу шаҳар бугун бир дона мунтазам мадрасага молик бўлмаса, инсон бу шаҳарнинг, бу Ватаннинг ҳолига йиғламай, кимнинг ҳолига йиғлар?”⁷, - деб ёзади. Ғиёсиддин “Талх бир ҳақиқат” номли мақоласида Бухоро қадимдан илм-маърифат шаҳри бўлгани, аммо кейинги пайтларда бундай мақомини йўқотгани ҳақида фикр юритади. Бухоро мадрасалари фақат диний илмлар ўқитиладиган жойга айланиб қолганини айтиб, “Асримизда бир миллатни олим ва бир шаҳарни илм еридир деб айтмоқ учун ул миллат ва ул шаҳарнинг ошнои илми илоҳий бўлмоқлиги кифоят қилмайдир”⁸, - деб ёзади. Бунинг учун замонавий тиб илми, ҳуқуқшунослик, табиатшунослик, муҳандислик, меъморлик каби мутахассисликларни ўргатадиган ўқув масканлари бўлиши кераклиги, шундагина Бухоро яна қадимдагидек илм-маърифат марказига айланиши мумкин, деган хулосага келади.

Газетанинг 46-сонидаги “Дорилфунун керакми ёки мактаб” номли мақолада Бухорода фаолият юритган дунёга машҳур мадрасалар

⁴ Садри Мақсудий (1880 – 1957) — татар давлат ва жамоат арбоби; Исмоилбек Ғаспарали мактаби, Қозон мадрасаси, 1901 – 1906 йиллари Париж университети ҳуқуқшунослик факултетида ўқиган; 1919 йили Парижда Тинчлик йиғинида қатнашган ва туркий халқлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга даъват этган; 1925 йили Туркияга жўнаб, Истанбул ва Анқара университетларида дарс берган; 1957 йил 20 февралда Туркияда вафот этган.

⁵ Бухорода театр жамияти // “Улуғ Туркистон” газетаси. 1917 йил 31 май.

⁶ Мақола номи эски мактабларда дарс жараёни 15 августда бошланиши муносабати билан шундай номланган.

⁷ Ғиёсиддин. 15 август // “Турон”, 1912 йил 15 август. - № 11.

⁸ Ғиёсиддин. Талх бир ҳақиқат // “Турон”, 1912 йил 15 август. - № 11.

фаолиятининг бу даврга келиб ўз аҳамиятини йўқотгани, ўқув ишларини ислоҳ қилиш зарурати ҳақида гапириб: “Туронликлар хоҳласалар 10 йилда илм халқини ҳайрон қилурлик тараққий ва толеъга етуша билурлар”⁹, - деб ёзади. Таълим ислоҳига оид кичик мадрасаларни мактабга айлантириш; ўқитишни умумий ва мажбурий қилиш; вақф мулкларини суистеъмол қилмасдан ўринли ишлатиш каби тавсияларини бериб: “Туронликлар усули қадимдами, усули жадидами, истаганларида таҳсил олсинлар, аммо мактаб бинолари талаб даражасида бўлиши керак. Чунки мактаблар бўлмаса, мадрасалар бўш қолади”, - деб ёзади.

“Турон” газетасида чоп этилган Нўширавон Ёвушевнинг “Усули таълим ва тарбиядан” номли мақоласида мактабларда “усули жадида” нинг қўллашнинг афзаллиги ҳақида маълумот берилиб, ибтидоий мактабларда ўқитишнинг 3 усули – “усули таҳажжий” (Қуръони каримни ўргатишда қўлланилган), “усули маддия” (ҳарфларни қўшиш йўли билан ўқитиш) ва “усули савтия” мавжудлигини ёзади. Усули савтияга таъриф бериб: “Авалло, бир калима зикр қилинур. Сўнгра мазкур калимада неча турли товуш борлигини билдирилур. Сўнгра ул товушларни зикр қилингон калимадаги ҳарфлар узра таҳлил қилинур ва қаю товуш қаю ҳарфдан чиқгонлиқни тушундирилур... Мунда мухлис 3000 турли суратлари ила билувға ҳожат йўқдир. Фақат 33 турли ҳарфнигина ёд олиб, қуршоға билув керақдир. Уч усулнинг энг осони ушбудир”¹⁰, - дейди. Усули жадида мактаблари динга қарши кофирлар мактаби бўлмай, балки савод чиқаришнинг осон йўли эканини таъкидлайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки илғор ғоялар тақдим қилинаётган, жамиятдаги муаммоларни бартараф этиш бўйича далил фикр билдирилаётган матбуотни улар тезлик билан ёпиб қўйиш ҳаракатига тушдилар ва ўз мақсадларига эришдилар. Энг ачинарлиси, бу ишни амир ҳукуматининг қўли билан амалга оширдилар.

⁹ Сениқ қалам. Дорилфунун керакми ёки мактаб // “Турон”, 1912 йил 24 декабрь. - № 46.

¹⁰ Ёвушев Н. Усули таълим ва тарбиядан // “Турон”, 1912 йил 12 август. - № 9.